

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

6 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Туркиянинг Жануби-Шарқий вилоятларида рўй берган кучли zilзила оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Биродар Туркия халқи-га, вафот этганлар ва жабрланганларнинг оилалари ва яқинларига далда сўзлари билдирилди. Табиий офат оқибатларини бар-

араф этиш мақсадида амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. 7 февраль куни Ўзбекистондан Туркияга гуманитар ёрдам ва қутқарувчилар гуруҳи жўнатилиши режалаштирилган. Икки томонлама кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

ХИТОЙ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавкулотда ва мухтор элчиси Цзян Янни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдаги сермахсул ишлари ва фаол саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қайд этди. Утган йилнинг сентябрь ойида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи муваффақиятли ўтди. Кейинги бир неча йилда товар айирбошлаш икки борабар кўпайди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони уч борабарга ошди. Йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекис-

тон темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш бўйича амалий ҳамкорлик бошланди. Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда, таълим, соғлиқни сақлаш, археология, туризм ва бошқа йўналишларда муҳим дастурлар рўёбга чиқарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан икки томонлама муносабатларда бўғинги даражага эришилишига қўшган шахсий ҳиссаси учун элчи Цзян Янь мамлакатимизнинг юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сиз ва биродар ўзбек халқига Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табриklar ва энг эзгу тилаklarни йўллаш мен учун катта шарафдир. Утган йиллар давомида анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч ришталарига асосланган икки томонлама биродарлик алоқалари ҳамкорликнинг тобора янги йўналишларини қамраб олган ҳолда муттасил ривожланди. Бугунги кунда Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларининг мазмуни давлатлараро шерикликнинг устувор йўналишлари ва истиқболларига нисбатан қарашларимизда ҳам, глобал ривожланиш тенденцияларига оид қарашларимизда ҳам ўртамиздаги ўзаро англашув билан белгиланаётганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Туркманистон ва Ўзбекистонни халқаро ҳаётга оид муҳим масалаларга ёндашувларнинг ўхшашлиги ёки мослиги бoғлаб туради. Бу мамлакатларимизнинг халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида йўлга қўйилган тизимли ҳамкорлигида ҳам ёрқин ифодасини топомқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳам яхши суръат намоёйиш этмоқда, савдо айланмаси мунтазам ошиб бормоқда, энергетика, транспорт-коммуникация ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам фаол равишда кенгаймоқда.

Маданият, илм-фан, таълим соҳаларидаги икки томонлама алоқалар ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Бу эса халқларимизни янада яқинлаштириш, азалий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш учун кўприк вазифасини ўтамоқда.

Туркманистон ва Ўзбекистоннинг стратегик шериклиги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан бундан кейин ҳам умумий фаровонлик йўлида жадал суръатлар билан ривожланиб, мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

Сўзим якунида Сизга, хурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва раванг тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,
Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Қадрли қардошим! Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан энг самимий табриklarимни қабул қилгайсиз.

Утган ўн йилликлар давомида чинакам биродар давлатларимиз азалий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналарига таянган ҳолда стратегик шериклик даражасига ҳар томонлама мос бўлган кўп қиррали муносабатларнинг барпо этилишига эришдилар.

Биз мамлакатларимиз ўртасида қарор топган конструктив ва мазмундор мулоқотни юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз. Олий ва юқори даражадаги изчил алоқалар бунга ёрқин мисолдир. Шу маънода таъкидлаш лозимки, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли ришталарни фаоллаштиришда Сизнинг шахсий ҳиссангиз ва доимий эътиборингиз бекиёсдир.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан давлатлараро ҳамкорликнинг барча йўналишлари янада ривожланишини таъминлаймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик, қардош ўзбек халқининг фаровонлиги йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат ва энг эзгу тилаklar ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси,
Туркман халқининг Миллий Етакчиси

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 6 февраль куни энергия таъминоти соҳасида назорат тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда энергия етказиб бериш ва ҳисоб-китоб тизимидаги муаммолар танқидий таҳлил қилинди. Январь ойидаги совуқ бу борада бошқарув ва назорат су-сайиб кетганини яққол кўрсатди. Мутасадди ташкилотлар автоматик ҳисоблаш тизими электр энергиясида 92 фоиз, табиий газ бўйича 98 фоиз ўрнатилган, деб ҳисобот берган. Лекин халигача дебитор қарздорлик юқорилигича қолмоқда.

Туманлардаги тармоқ идоралари электр ва газга улашишга ҳисоб-китоб ва таҳлилларсиз рұхсат беряпти. Масалан, Тошкент шаҳрининг 120 та маҳалласида трансформаторлар юкламани кўтармагани учун

бир ойнинг ўзида 5-6 марталаб таъмирланган. Ханузгача тизимда ўғрилиқ жуда катта. Ресурслар хўжасизларча талон-торож қилиняпти. Биргина декабрь ойида электр ва газдан ноқонуний фойдаланиш бўйича 12 мингдан зиёд ҳолатда 600 миллиард сўмлик зарар аниқланган. Автомобилларга газ қўйиш шоҳбoчалари устидан назорат бутунлай издан чиққан. Шулардан келиб чиқиб, энергетика соҳасида назоратни кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича янги тизим белгиланди. Бу тизимга энергетика назорати бўйича икки йил фавкулотда тартибда ишлаш вазифаси қўйилди. Энерго-

инспекция ва Мажбурий ижро бюросининг ишини такомиллаштириш, электр ва табиий газга улаишда янгича ёндашувларни жорий қилиш юзасидан топшириқлар берилди. Йиғилишда энергетика инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг рақамли харитасини ишга тушириш вазифаси қўйилди. Бунда аукционга чиқарилаётган ерларнинг жойлашуви, энергетика, коммунал ва ижтимоий инфратузилма қуввати аниқ кўричиб туради. Йиғилишда мутасаддилар янги тизимни амалга ошириш масалалари юзасидан ахборот берди.

ЎзА.

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ УЧУН ТАРИХИЙ КУН



2-саҳифага қаранг. ➡

ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумот БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди ва тарқатилди. Ҳужжат БМТнинг олтинта расмий тили — араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларига таржима қилинди ва барча аъзо давлатлар, БМТнинг ихтисослаштирилган агентликларига тақдим қилинди, шунингдек, ташкилот журнали ва Расмий ҳужжатлар тизимида A/77/700 рақам остида жойлаштирилди. Унда Ўзбекистон БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар қўришда давом этаётгани қайд қилинган.

Эътироф

Давлат бошқаруви тизимида амалга оширилаётган тўб ислохотларга ихобий баҳо берилган. Ушбу ўзгаришлар доирасида давлат хизматчиларининг сони босқичма-босқич қисқартирилиб, тежалган маблағлар ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилиши таъкидланган. Хусусан, 2022 йилда иқтисодиётга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилингани, пенсия ва ижтимоий нафақалар энг кам истеъмол харажатларидан паст бўлмаган да-

ражага оширилгани, 500 мингга яқин кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилгани, шунингдек, мамлакат бўйлаб мактабларда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилгани қайд этилган. Нашрда 2023 йил Ўзбекистонда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилингани, унинг асосий вазифаларидан бири мактаб таълими сифатини ошириш, ўқитувачиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг ролини кучайтириш этиб белгиланганига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йил-

да 70 та янги мактаб қуриш, 460 та мактабни кенгайтириш кўзда тутилгани ургулланган. Шу билан бирга, барча ҳудудда бошлангич синфлар учун бепул овқатланиш йўлга қўйилиши, республикада Европа стандартлари бўйича янги таълим дастури жорий этилаётгани алоҳида таъкидланган. “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилгани, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик кенг қўламли дастурни амалга ошириш, аҳолини соғлом турмуш тарзига ўргатиш,



шунингдек, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш, ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълум қилинган. “Умуман олганда, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилиши 2030 йилгача бўлган даврга

мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартибида кўзда тутилган мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш, шунингдек, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, республикадаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга хизмат қилади”, дейилади ҳужжатда.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 9 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда маъқулланган

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини оширишга, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яхшилашга, шунингдек илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш орқали йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият олиб бориш соҳасида қонунчиликда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ўқитиш, назарий ҳамда амалий имтиҳонлар жараёنлари тизимида назорат қилиш бўйича ягона ваколатли давлат органини белгилаш зарурити юзага келмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни, шунингдек автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш юзасидан хабардор қилиш тартибида амалга оширилаётган фаолиятни лицензиялаш бўйича ваколатли орган этиб белгилашни назарда тутати.

Ушбу Қонун мамлакатимизда ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ўРҚ–600-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар) **иловасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **21-банд** қуйидаги мазмундаги «**в**» **кичик банд** билан тўлдирилсин:

2) **29-банд** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

29. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи:			
нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият, бундан автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасидаги фаолият мустасно		– БХМнинг 10 баравари	

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ўРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-илованин 1-позицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Т/р	Лицензия-нинг номи	Лицензияланадиган фаолиятнинг кичик турлари	Лицензия-лаш соҳасидаги ваколатли органлар
1.	Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолият учун лицензия	Мақтабгача таълим хизматлари (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно);	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
		умумий ўрта ва ўрта махсус таълим хизматлари;	
		профессионал таълим хизматлари;	
		олий таълим хизматлари;	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
		олий таълимдан кейинги таълим хизматлари;	
		автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш.	

2) **3-илованин 13-позициясидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрозиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 февраль
№ ўРҚ—816

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ УЧУН ТАРИХИЙ КҮН

Тошкентда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 7 февраль куни нишонланаётган юбилей санаси арафасида уюштирилган дўстлик кеча-сида вазирилик, идоралар ва жамоат ташкилотлари етакчилари, маданият ҳамда санъат намояндalари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Байрам кечаси иштирокчиларини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Хўжаев ва Туркменистон элчиси Язкули Маммедов қутлаб, уларни мазкур муҳим сана билан қизгин табриклади.

— Туркменистон билан 2017 йилда стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланган бўлса, ўтган йили муносабатларимиз чуқурлашган стратегик шериклик даражасига

олиб чиқилганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир, — деди Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Хўжаев. — Савдо-иқтисодий ҳамкорликда салмоқли кўрсаткичларга эришилди. Ўзаро савдо айланмаси сўнгги йилларда 5 баробар ортиб, қарийб 1 миллиард долларга етди.

— Икки қардош давлат ўртасида ўрнатилган олий даражадаги алоқалар, очик ва ишончли мулоқот стратегик муносабатлар учун мустаҳкам асос бўлаётгани қувонарли ҳол, — деди Туркменистон элчиси Язкули Маммедов. — 2022 йилда икки давлат раҳбарлари уч марта — Тошкент, Самарқанд ва Ашхободда учрашдилар. Савдо-иқтисодий шериклик, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган турли тадбирлар мун-



тазам ўтказилапти. Ҳукуматларaro комиссия мажлислари, ишбилармон доираларнинг учрашувлари фаол ташкил этилмоқда, ўтган йили Бухорода биринчи Туркменистон — Ўзбекистон минтақаларo форуми бўлиб ўтди. Сиёсий йўналишда мамлакатларимиз фаол ҳамкорлик қилаётир, икки ва кўп томонлама форматларда бир-бирини муваффақиятли қўллаб-қувватламоқда.

Тантанали кечанинг ёрқин ва бой концерт дастури асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек ҳамда туркман халқларининг чинакамига самимий дўстлиги, қардошлиги ва яхши қўшничилигининг тимсоли бўлди.

Байрам доирасида ташкил этилган миллий амалий санъат, ҳунармандчиликнинг ёрқин намуналари, фотосуратлар ва "Туркий адабиёт

дурдоналари" китоб жилдлари кўргазмалари тантанали тадбир иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Дипломатик корпус вакиллари ва байрам кечасининг бошқа меҳмонлари Ўзбекистон — Туркменистон дипломатик муносабатларининг юбилей санаси муносабати билан ўз табрикларини изҳор этди.



Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА, Ўзбекистон туркман миллий маданий маркази раиси:



— Бугун туркман ва ўзбек халқлари учун тарихий кун — мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини биргаликда кенг нишонламоқдамиз, эришилаётган ютуқларимиздан қувонмоқдамиз.

Биз давлатларимиз раҳбарларига халқларимиз тарихидаги ушбу муҳим воқеага берилаётган юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик билдирмакчимиз.

Бугунги тадбирда ҳам асл ҳунармандчиликнинг ажойиб намуналари, айнаваний қадриятларимиз намойиш этилмоқда, икки халқнинг бетақорор муносибати санъати дурдоналари янграмоқда. Биз буюк алломаларимиз Алишер Навоий ва Махтумқули меросига ҳурмат бажо келтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек ва туркман халқларини ушбу қутлуғ сана билан табриклайман, дўстлигимиз мустаҳкам ва абадий бўлсин, мамлакатларимиз раванқ топиб, бир-бирига доимо мустаҳкам ва ишончли шерик бўлиб қолсин!

Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ватикан Муваққат ишлар вакили:



— Бугун Марказий Осиёнинг икки қўшни давлати — Ўзбекистон ва Туркменистон учун катта байрам. Бу мамлакатларни умумий тарих, маданият, тил, лекин энг муҳими — самимий дўстлик ва ўзаро тушуниш бирлаштириб келмоқда.

Биз ўзаро ҳамкорлик йиллари давомида мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар чуқурлашган стратегик шериклик даражасига кўтарилганига гувоҳ бўлиб туримиз. Бундан барчамиз мамнунмиз, чунки мазкур воқеали Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик, тараққиётга хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Икки давлат табиий ресурсларга бой ҳамда бу жиҳат ўзаро манфаатли ва самарали муносабатларни ривожлантириш учун яхши асос бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги, шунингдек, бугун Марказий Осиё даражасидаги ҳамкорлик янги суръат касб этгани жуда қувонарлидир. Бу ўзаро тушуниш ва қўллаб-қувватлашнинг юқори даражасидан далолат беради.

Ўзбек ва туркман халқларини ушбу дўстлик байрами билан табриклайман, уларга фаровонлик тилайман!

Зураб АБДУШЕЛИШВИЛИ, Грузия элчиси:



— Ўзбекистон бугун, биринчи навбатда, минтақа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва юксалтириш, Европа ҳамда Осиё ўртасидаги ушбу муҳим маконда самарали, ўзаро манфаатли икки ва кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари билан ҳақли равишда Марказий Осиёда етакчи давлат саналади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақада дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган минтақавий сиёсатининг қадри юксакдир. Бу сиёсат "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган азалий ҳикмат асосида

қурилган. Бу эса мутлақо оқилона ва вақт синовидан ўтган ёндашув бўлиб, мазкур ҳикмати тушунча бугунги кунда барча Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий ширжа айланганидан хурсандимиз.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш муносабати билан икки қўшни давлат ўртасидаги алоқалар даражаси минтақанинг барча мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликка ҳам хос бўлган дўстлик ва яхши қўшничиликнинг яққол намунаси эканини таъкидламоқчиман.



Муса ЖАМАНБОВЕВ, Киргизистон элчиси:

— Минтақада барчамиз қўшнимиз, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳам яқин қўшниларимиздир. Барчамизни кўп асрлик ришталар боғлаб турибди ва бугун биз дўстларимиз билан биргаликда икки дўст давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 30 йиллигини нишонлаётимиз.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилганидан мамнунимиз ва икки

давлат бундай ҳамкорлиқни муваффақиятли давом эттиришига ишонамиз.

Халқларимизда "Узоқ қариндошдан яқин қўшни афзал" деган нақл бор. Биз ҳам қариндош, ҳам қўшниларимиз. Бугун эса барчамиз буни яхши англаётимиз ва умумий тараққиётимиз манфаатларига хизмат қилишга интиляётимиз.

Биз биродарларимизни чин юракдан табриклаймиз ва самарали ҳамкорлиқни ривожлантиришда янада улкан муваффақиятлар тилаймиз!



Хусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:

— Ушбу муҳим кунда Марказий Осиё минтақасининг халқро майдондаги роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиманки, бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган очик ва конструктив минтақавий сиёсат, шунингдек, ушбу сиёсат барча Марказий Осиё давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланаётгани самарасидан амалга оширилди.

Барчамизга маълумки, яқин вақтгача минтақа салоҳиятининг тўлиқ очилишига, ундан унумли фойдаланилишига тўқтинлик қилган қатор ҳал этилмаган

масалалар бор эди. Бирок бугунги кунда минтақа давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрисида жуда қисқа вақт ичида мамлакатлар ҳақиқий дўст, ака-ука ва қўшни сифатида зарур масалалар бўйича келишувларга эришмоқда. Улар ўзининг самарасини бермоқда ва бу ҳамма учун бирдек катта ютуқдир.

Ўзбекистоннинг минтақадаги бирлаштирувчи ролини олқишлаймиз, барча қўшни давлатларга тинчлик ва халқлар фаровонлиги йўлида муваффақиятли ҳамкорлик қилишни тилаймиз.

«Дунё» АА.

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ БАРДАВОМ

Ўзбекистоннинг Туркменистондаги элчихонаси томонидан ушбу мамлакат Ташқи ишлар ва Маданият вазириликлари билан ҳамкорликда Ашхобод шаҳридаги "Тошкент" сайилгоҳида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган концерт дастури ва миллий таомлар фестивали ўтказилди.

Унда Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, маданият вазири Атагелди Шамуродов, таълим вазири Гурбангул Атаева, Туркменистон Мажлиси депутатлари, вазирик ва идоралар, шунингдек, хорижий давлатлар дипломатик миссиялари раҳбарлари ҳамда ушбу мамлакатдаги ўзбек жамоатчилиги фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Байрамнинг очилиш маросимида Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов йилгиланларни ушбу сана билан самимий қутлади.

— Дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 30 йил тарихий аҳамиятга эга давр ҳисобланиб, асрлар давомида ёнма-ён яшаб, ўз давлатларини барпо этиб ҳамда умуминсоний қадриятларни илгари суриб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг ўзаро биродарлик алоқаларининг ривожланиши, мустаҳкамланиши, чуқурлашиши ва кенгайишида муҳим босқич бўлди, — деди Р. Мередов. — Туркман ва ўзбек халқларининг атоқли фарзандлари дунё цивилизацияси хазинасига, илм-фан, адабиёт, маданият, санъат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига ўзларининг улкан ҳиссасини қўшган. Бугун мамлакатларимиз ушбу бой меросга асосланиб, ўз давлат раҳбарлари бошчилигида мазкур шарафли йўлни муносиб давом эттирмоқда. Туркменистон ва Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки минтақадан ташқари ҳам яхши қўшничиликнинг намунаси сифатида эътироф этилаётир. Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси асосида ўзаро алоқалар юқори даражада ривожланмоқда. Ўтган йил Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга расмий ташрифи, шунингдек, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси — туркман халқининг Миллий Етакчиси Гурбангули Бердимухамедовнинг Самарқандда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги иштироки амалга оширилди. Бу воқеаларнинг барчаси икки биродар давлатларнинг бугунги кунда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган умумдунёвий тенденцияларни ривожлантириш йўлида ёнма-ён, елкама-елка бораётганини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг Туркменистондаги элчиси Акмал Қўчқоров икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган самимий дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат-эҳтиромга асосланган мулоқот натижасида бугунги кунда мамлакатларимиз алоқалари янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий соҳалардаги алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бунини икки давлат етакчилари томонидан олиб борилаётган оқилона ташқи сиёсат натижаси деб биламиз, — деди Ўзбекистон элчиси. — Биргина ўтган йилнинг ўзида олий даражадаги қатор ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Дашоғуз шаҳрида ўзбек — туркман дўстлиги фестивали муваффақиятли ўтказилди. Шу ўринда, ўзбек ва туркман халқларини чамбарчас боғлаб турган умумий тарих, маданият ва урф-одатлар, қадриятлар давлатларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилаётганини қайд этиш жоиз.

Тантанали тадбирнинг Ашхобод шаҳридаги "Тошкент" сайилгоҳида ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга бўлди. У Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ахил қўшничилик ва дўстлик муносабатларининг юксак даражасини ҳамда халқларимизнинг ўзаро яқинлиги ва ҳамжиҳатлигининг тимсолидир. Тошкент шаҳридаги "Ашхобод" сайилгоҳи ҳам Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ва меҳмонлари учун сеvimли дам олиш масканларидан бирига айлангани, икки давлат пойтахтларида истироҳат боғларининг ташкил этилиши халқро муносабатлар амалиётида чинакам ноёб воқеа эканлиги таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари учун ўзбек ва туркман тилларида концерт дастури намойиш қилинди. Буюк шоир, аллома ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий ва туркман мутафаккири Махтумқули ижодида бағишланган мушоира ташкил этилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ашхободдаги маркази раҳбари Жон Мак-Грегор ўзбек ва туркман дўстлигини тараннум этадиган ушбу байрам тадбирида иштирок этаётганидан мамнунлигини таъкидлади.

— Мен ЕХТнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мамлакатингизда беш йил ишладим ва сўнгги икки йил давомида Ашхободда фаолият олиб бораётман, — деди у. — Ушбу давлатлардаги фаолиятим давомида ўзбек ва туркман халқлари ўртасида жуда кўп ўхшашликларни кўрдим. Хусусан, икки дўст миллатни умумий тарих ва маданият чамбарчас боғлаб туради. Мамлакатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан уюштирилган байрам тадбири гоёта юксак даражада ўтаётир. Унда икки элчиларнинг бетақорор ашула ва рақслар барчага қувонч ва кўтаринки кайфият бағишлади.

Тантанали тадбир доирасида байрам дастурхони ёзилиб, ўзбек миллий таомлари улашилди.

«Дунё» АА. Ашхобод

Элчи Язкули МАММЕДОВ:

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТЛАР ТУРКМЕНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАЁТИР

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан Туркменистон элчиси Язкули Маммедов «Дунё» АА муҳбирига эксклюзив интервью берди.



— Шу кунларда қардош мамлакатлар — Туркменистон ва Ўзбекистон диплома-

тик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонламоқда. Маълумки, туркман ва ўзбек халқларининг илдизлари муштарак бўлиб, асрлар давомида яқин қўшничиликда яшаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келди.

Мустақиллик йилларида, айниқса, дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг мамлакатларимиз ўртасида барча жабҳада, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар изчил ривожланиб, бугунги кунда стратегик хусусият касб этмоқда.

Таъкидлаш керакки, муҳтарам етакчиларимизнинг олий даражадаги мулоқотлари, икки қардош давлат ўртасида ўрнатилган очик ва ишончли ҳамкорлик бугунги стратегик шериклик учун мустаҳкам пойдевор бўлаётир.

Мен фақат 2022 йилнинг ўзида муҳтарам айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, транспорт, транзит, энергетика, машиносозлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган турли тадбир ҳамда учрашувларни мунтазам тарзда ўтказмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил октябрь ойида Ашхободга

буюрган ташрифи чоғида давлат раҳбарларимиз Стратегик шериклиқни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Шунингдек, ташриф доирасида "Тошовуз — Хоразм" чегараолди савдо зонасининг қурилиш ишлари бошлаб юборилди, Туркменистон пойтахти марказида "Тошкент" истироҳат боғи очилди.

Сиёсий жабҳада мамлакатларимиз фаол ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, давлатларимиз икки ва кўп томонлама ҳисобларда бир-бирини муваффақиятли қўллаб-қувватлаяпти. Ўрнатилган парламентларaro алоқаларни юксак қадрлаймиз. Икки қардош давлат халқро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб, деярли барча халқро масалаларда

бир-бири билан ҳамфикр бўлаётир.

Биз Туркменистон ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари доирасидаги яқин ҳамкорлиги аҳамиятини юқори баҳолаймиз. Бунда етакчиларимиз минтақавий ва глобал миқёсдаги турли масалалар юзасидан фикр алмашмоқдалар.

Шунингдек, мамлакатларимизнинг минтақадаги ҳамкорлари билан "Марказий Осиё+" шакллари доирасидаги яқин алоқалари ва келгусида бу борадаги амалий ёндашувлар муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Минтақавий даражадаги ўзаро ҳамкорлик нуктаи назаридан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти

ва бошқа халқро тузилмалар доирасидаги муносабатларга ҳам эътибор қаратишни истайман.

Ўзбекистон раислигида 2022 йил 11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси, Миллий Етакчи Гурбангули Бердимухамедов бошчилигидаги делегация ҳам қузатувчи сифатида иштирок этганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан энг самимий табрикларимни ҳамда қардош мамлакат ва халқларимизга фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

«Дунё» АА.

Учрашув

ЎЗАРО МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ МУНОСАБАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимизда дипломатик миссиясини якунлаётган Фавкулдда ва мухтор элчиси Цзян Янь хонимни қабул қилди.

Мулоқотда икки мамлакат раҳбарларининг чуқур ўзаро англашув ва яқин муносабатлари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг дўстона ва стратегик характериini белгилаб бергани алоҳида таъкидланди.

Т. Норбоева Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, бугунги кунда алоқаларимиз ривожланиш чўққисида экани, ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш таъмоийлларига асосланган кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, Цзян Янь билдирилган юксак ишонч ва дипломатик миссияни муваффақиятли амалга ошириш учун қўлай муҳит яратилгани учун мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорлик изҳор этиб, бундан кейин ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, томонлар ўзаро муносабатларни кенгайтиришда парламентлар ролини оширишга қаратилган конструктив ёндашувни ва юқори даражадаги келишувлар ихроси устидан парламент назорати таъминланишини тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдирдилар. Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳини фаоллаштириш ҳамда иккала давлат парламент делегацияларининг мунтазам ўзаро сафарларини йўлга қўйиш борасида ақдлийлик намён ётилди.

Учрашувда Цзян Яннинг юртимиздаги дипломатик миссияси мобайнида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклики чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қўшган ҳиссаси эътироф қилиниб, келгусида ҳам икки давлат ўзаро муносабатларини ривожлантиришда ҳамкорлик изчиллик билан давом эттирилишига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ташаббуси

МАҚСАД — МАКТАБЛАРНИ «ҚИЗИЛ ЧИЗИҚ»ДАН ЧИҚАРИШ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Носирбек Абдуллахонов ижтимоий лойиҳаларда бир қатор ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Жумладан, сенатор ташаббуси билан Наманган вилоятидаги мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олишда оқда қолмаётган «қизил чизик»даги 7 та мактаб ўртасида ёшларни энг кўп олийгоҳларга жалб қилиш бўйича танлов эълон қилинди. Танлов шартларига кўра, унда қолиб бўлган мактаб жамоасига 40 миллион сўм миқдорда пул мукофоти бериш кўзда тутилган.

Эътиборлики, сенатор томонидан танлов асосида анъанавий тарзда бериб келинаётган «Сенатор стипендияси» яқинда Наманган шаҳридаги 4-иктисослаштирилган мактабнинг 10 нафар ўқувчисига топириди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу стипендия икки йилдан буён Наманган шаҳридаги мактаблар ўқувчиларига тақдим этиб келинмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва БАА:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИДА ҲАЛИ ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНияТЛАР КўП

Ёдингизда бўлса, Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида бундан кейин ҳам асосий эътиборни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратишимиз кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Бунун биз шу йўлдан дадил одимляпмиз. Янада аниқроқ айтишда бўлсак, Ўзбекистон дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очик ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқ ва Форс кўрфазини давлатлари билан муносабатлар муҳим ўрин тутди. Зеро, Ўзбекистон ва Яқин Шарқ давлатларини географик яқинлик, маданий-маънавий кадриятлар бирлаштириб туради, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Сўнгги йилларда юртимизнинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлиги жадал кенгайишда давом этаётди. Айниқса, Бирлашган Араб Амирикларини Ўзбекистоннинг минтақадаги устувор стратегик ҳамкорлиқларидан бирига айланаётгани эътиборга молик.

Мамлакатларимиз ўртасидаги юқори даражадаги ишонч ҳамда дўстона муносабат Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишга мустаҳкам пойдевор яратди. 2017 йилдан ҳозирги кунгача ўзаро ришталар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бунга олий ва юқори даражадаги сиёсий мулоқот кўп жиҳатдан ёрдам бераётгани барчага маълу.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирикларига икки марта — 2019 йил март ҳамда 2022 йил май ойида ташриф буюрди. Шундан буён икки давлат раҳбарлари кўп томонлама форумлар доирасида мунтазам учрашувлар ва доимий равишда телефон орқали мулоқотлар ўтказиб келди. Айни чоғда парламентлараро, ташқи сиёсий идоралар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган, ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари доимийлик касб этиб борапти.

Шу ўринда мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам жадал ривожланаётганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Хусусан, ўтган ҳафтада Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация БААга ташрифи амалга оширди. Ушбу давлат Федерал миллий кенгаши Раиси Сакр Фобаш билан учрашув чоғида Ўзбекистон ҳамда БАА парламентлари ўртасидаги муносабатлар изчиллигини таъминлаш, хусусан, қонун ихдорчилиги ва парламент назорати йўналишларида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан ўзаро фикрлашилди. Учрашувда, шунингдек, гендер тенглик ва ёшлар масалалари бўйича ўзаро

таҳриба алмашиш мақсадга мувофиқ экани билдирилди.

Негаки, ҳали икки давлат парламентлари ўртасида шерикликнинг турли йўналишларида ишга солинмаган имкониятлар кўп. Шу боис мулоқот чоғида парламентларнинг савдо-иқтисодий, инвестиция ҳамда хизматлар соҳасидаги эришилган келишувларнинг бажарилишига хизмат қиладиган қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш таклиф этилди. Ўз навбатида, БАА Федерал миллий кенгаши Раиси Сакр Фобаш мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кенг қўламли, авваломбор, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишидаги ислохотларни юқори баҳолади ва Ўзбекистонда инвестиция қонунчилигини такомиллаштириш борасида Олий Мажлис вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

Шулардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати Федерал миллий кенгаш билан олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, тегишли қўмиталар ўртасида шериклигини йўлга қўйиш, электрон парламент жорий этишда таҳриба алмашиш масалалари бўйича келишиб олди. Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Бирлашган Араб Амирикларини Федерал миллий кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланиши мулоқотнинг юқори нуқтаси бўлди.

Зеро, унда икки давлат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар, туристик йўналишлардаги алоқалар раванқига ҳамда уни мустаҳкамлашга қаратилган парламент фаолияти, унинг қонун ихдорчилиги ва назорат функциясини самарали амалга ошириш, мазкур соҳаларда қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ривожлантириш борасида ахборот ва таҳриба алмашишни кенгайтириш масалалари қамраб олинган.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз. Республикамизда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси маъқулланган бўлса, БАА ҳукумати 2071 йилгача мўлжалланган мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиш режасини эълон

қилган. Бу ҳужжатда давлат бошқарувини янада мослашувчан шаклга ўтказиш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари рақобатдошлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни ишга тушириш, халқаро майдонда давлат маъқуни мустаҳкамлаш назарда тутилган. Эътибор берган бўлсангиз, бу борада ҳам Ўзбекистон ва БАА ўртасида ўхшашлик мавжуд.

Экспертлар фикрича, янги стратегия доирасидаги мақсадларга эришиш учун БААда иқтисодий, илмий-маърифий ва технологик ресурслар бисёр. Энг аввало, ҳукумат миллий иқтисодиётни диверсификациялаш бўйича фаол ва изчил сиёсат юритяпти. Авваллари нефть хомашёси экспортига боғланиб қолган БАА федерал ҳукумати дарамадининг 70 фоиздан ортиғини бугунги кунда нефть билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар улуши ташкил этади. Бу айти йўналишдаги стратегия муваффақиятининг илк белгисидир. Халқаро валюта жағмармаси рейтингига кўра, БАА иқтисодиёти араб дунёсида энг рақобатбардор мамлакат саналади.

Қолаверса, бу ҳужжат уч асосий ўлчов — узоқ ва соғлом умр кечирish, билим олиш имконияти ва муносиб турмуш тарзи кўрсаткичига асосланган.

Ўзбекистон каби БААда ҳам рақамлаштириш давлат стратегиясининг истиқболли йўналишларидан бирига айланган. БАА ҳукумати тўлиқ электрон ҳукуматга ўтишга интиляпти. Натижада йирик ахборот технологиялари компанияларининг деярли барчаси БААда ваколатхонасини очган. Шуларга мос равишда Амириклар ҳукумати рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясини ҳам тасдиқлаган. Мазкур ҳужжат кейинги 10 йил давомида ялпи ички маҳсулотга қўшилидиган ҳиссани 9,7 фоиздан 19,4 фоизгача, яъни икки қарра оширишни кўзда тутди. Бу Амирикларга Яқин Шарқ, Форс кўрфазини ва Шимолий Африка мамлакатлари орасида етакчилиқни сақлаш имконини беради.

Ўзбекистон учун бундай ютуқларга эга мамлакат билан яқин ҳамкорлик қилиш қўллаб-йўналишларда кенг сиёсий ва иқтисодий имконият очади. БАА кенг инвестиция имкониятига, илгор технологияни самарали жорий қилиш ва йирик инвестиция



лойиҳаларини амалга ошириш таҳрибасига эғалигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-асосий йўналишлар бўйича ривожланмоқда. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва инвестициялар ҳажми ўсмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан ўзаро савдо икки баробар қўлайди, мамлакатимизда 45 та янги қўшма корхона ташкил этилди. Иқтисодий шериклики мувофиқлаштириш ва илгари суриш бўйича таъсирчан тизим асосида Амирикларнинг етакчи компания ва ташкилотлари иштирокида инвестициялар ҳажми қарийб 3 миллиард доллар бўлган 17 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Масалан, БААнинг етакчи компанияси 2021 йил юртимизда биринчи қўёш фотоэлектр станциясини ишга туширди. Компания яна учта ана шундай станция барпо этиш бўйича тендерда қолиб чиқди. Булар — 457 МВт қувватли Шеробод, 220 МВтли Самарқанд, 220 МВт қувватга эга Жиззах қўёш фотоэлектр станцияларидир. Ҳозирда компаниянинг мамлакатимиздаги лойиҳалари умумий қиймати 2 миллиард доллардан ошди.

Амирикларнинг яна бир нуфузли компаниясининг сармоялари асосида Талимаржон иссиқлик электр станцияси қувватини кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Транспорт ва логистикага ихтисослаштирилган компания билан эса мультимодал хаб фаолиятини йўлга қўйиш, “Навоий” эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш, божхона бошқаруви тизимини модернизация қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, логистика, рақамлаштириш йўналишларида ҳам қўллаб-йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилаётёр.

Абу-Даби тараққиёт фонди қўмағида ташкил этилган Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирикларини инвестиция компанияси муваффақиятли фаолият олиб борапти. Корхона очилгандан буён юртимизда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 100 миллион дол-

лар маблағ жалб қилинди. Ки-чик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурлари, таълим соҳасидаги лойиҳалар уудланаётир. Ҳозирда компания соғлиқни сақлаш, фармацевтика, логистика, туризм, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати йўналишларида умумий қиймати 400 миллион долларлик 17 та истиқболли инвестиция лойиҳаси устида ишламоқда.

БАА ҳукумати билан давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат идоралари фаолиятига инновацияни жорий қилиш, таълим сифатини яхшилаш ва замонавий, талаб юқори мутахассисликка эга кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам кенг қўламли ҳамкорлик чоралари қўрилмоқда. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва тегишли “йўл хариталари”ни ҳаётга таъдиқ этиш бўйича сўнгги уч йилда 147 марта қўшма таъдир ўтказилди. Пировадига эса ўзбекистонлик 2 мингдан зиёд давлат хизматчилари тегишли соҳаларда ўқитилди.

Яна бир мисол. 2019 йил Ўзбекистонда амалга оширилган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 70 мингдан зиёд кишилар қамраб олинди ҳамда кўпчилигига сертификатлар берилди. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган муҳим ташаббуслардан бирига айланган мазкур лойиҳа ёшлар

Умуман олганда, Ўзбекистон ва БАА манфаатлари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келадиган узоқ муддатли шериклардир. Топонлар бир-бирини тўлдирадиган миллий ривожланиш стратегиясини амалга оширмоқда. Икки томонлама муносабат, шу жумладан, олий даражадаги мунтазам алоқалар тобора изчиллик касб этмоқда. Буларнинг бари халқаро муносабатлар тизимининг жадал ўзгариши, кескинлашуви ҳамда жаҳон иқтисодиёти ва савдо-сининг янги модели шаклланиши шароитида давлатларимизни янада яқинлаштириш ва халқларимизнинг манфаати йўлидаги алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Шу маънода айтганда, парламентлараро алоқалар имкониятларидан самарали фойдалансак, албатта, ана шу улкан мақсадларимизга эришиш учун муҳим ва муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

Фракцияларда

ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ, ҲАЁТИЙ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, Президентимизнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига ташрифи давомида берган топириқлари ихроси юзасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли қонун мулоқот қилиш мақсадида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларига ташрифи давомида берган топириқлари ихроси юзасидан партия ва фракция олдидаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Ташриф чоғида Президентимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшларга касб ўргатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берди. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Хусусан, ЎзДепЛФ Сиёсий Кенгаши Ихроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Эндиликда ишчи гуруҳлар томонидан энергия ресурсларини иқтисод қилиш, муқобил энергетикани ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини омалаштириш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш, ёшларни касб-хўнарга ўқитиш ва бандли-

гини таъминлаш каби масалаларда тарғиб-ташвиқот, депутатлик назорати олиб борилади.

Шундан сўнг, депутатлар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини обдан муҳокама қилишди. Мазкур қонун лойиҳасида таклиф қилинаётган ўзгаришлар банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали банк секторига стратегик хорижий инвесторларни жалб этишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида унинг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Қизгин баҳс-мунозаралар сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантиришнинг янги механизмлари жорий этишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қўриб чиқилди.



Таклиф этилаётган ҳужжат ЯТТ билан меҳнат муносабатиди бўлган жисмоний шахслар ҳамда шахсий томорқа ер участкасида ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ихтимоий солиқ тўловлари ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблашда янада қўлайликлар яратди.

Фракция аъзолари лойиҳанинг муҳимлигини инобатга олиб, уни янада такомиллаштириш, пишик-пукта ҳолатга келтириш бўйича қўллаб-қувватлаш беришди. Савол-жавоблардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди. Ҳисобот даврида комиссия томонидан ёш авлодда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш қўнимасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ҳаиямат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ишлар қўламли кенглиги ихобий баҳоланди. Ўз навбатида, ҳозирги кунда ёшларга барча соҳада ўз иқтидорини ва салоҳиятини тўлиқ намён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги айтилиб, бу бо-

рада комиссия олдида муҳим вазифалар тургани таъкидланди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида “Судларда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни қўриш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек, судларда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни қўриш тартибини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжатда судлар томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар юзасидан давлат манфаатлари билан боғлиқ ишларнинг муҳокамасида прокурорнинг мажбурий равишда иштироки белгиланган ҳолда қўриб чиқилди.

Фракция аъзолари қонун ва адолат устувор бўлган мамлакатда тараққиёт, фаровонлик, юксалиш бўлиши, ислохотлар самарга берилиши айтиб, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бир қатор таклифлар берди.

Қонун лойиҳаси юзасидан кўтарилган саволларга мутасаддилардан атрофилган жавоблар олинган, ҳужжат лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Судларда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ ишларни қўриш тартиби такомиллаштирилиши муносабати би-

янги механизмлари жорий этишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантиришнинг янги механизмлари жорий этишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, лойиҳада қорвачилик, иссиқхона, парандачилик, қўвнчилик, асаларичилик, балиқчилик, богдорчилик, лимончилик, гулчилик фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқароларга ўзларига тегишли бўлган томорқа ер участкаси маъдонининг ҳажми ёки улар томонидан парварши қилинаётган ун хайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қайта назар иштиёрли тартибда ижтимоий солиқни тўлашга рухсат берилиши, соҳаларда ижтимоий солиқнинг белгиланган миқдорини тўлаш фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисоблашда бир календар йил деб ҳисобга олиниши таклиф қилинмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси яқка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар ҳамда шахсий томорқа ер участкасида ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ихтимоий солиқ тўловлари ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблашдаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам фракция аъзолари томонидан атрофлича қўриб чиқилиб, маъқулланди.

Фракциялар йиғилишларида кун тартибидидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

УЛУҒ МУТАФАККИР МЕРОСИ — ИНСОНИАТ МУЛКИ

Мутафаккир олим, улуғ шоир ҳамда йирик давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижодий мероси бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланди ва асрлар ўтган сайин унга бўлган эҳтиёж ошмоқда. Ҳазрат Навоий асарларида миллий давлатчилигимизнинг сиёсий негизлари такомилли хусусидаги фикрлари ва амалий фаолияти, донишманд олим сифатида етук инсоний жамият ва баркамол шахс тарбияси борасидаги ғоявий қарашлари ўз ифодасини топади. Академик Ойбек таъкидлаганидек, ўрта аср романтик тафаккурининг маҳсули бўлмиш Навоий асарларида фалсафа, диний қарашлар ва ижтимоий фикр шеърят майдонида бирлашди, ягона бир моҳият ва мақсадни ифодалаш учун хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бундай маърифий-бадвий йўғунлик натижаҳисда давр ижтимоий ҳаётидаги барча муаммолар шоир асарларида ўз ифодасини ва ечимини топади.

Алишер Навоий инсониятни фикрлашга чорловчи дostonлари билан романтизм шароитига ҳаётини реалистик оқимни олиб кирди ва шеърятни ўз даврининг фаол, курашувчан, инсонпарвар кучларидан бирига айлантирди. Шоирнинг фикрича, сўз санъати буюк кучдир, у “ўлик танга пок рух бағишлай олганидек, тангдаги руҳни ҳалок қила олади”. Инсон руҳи эса жисмоний нафсга қарши ўлароқ маънавий мукаммалликка интилади. Шу маънода, буюк ижодкор анъанавий Шарқ поэзиясини ғоявий-тематик нуқтаи назардан тамоман янгилади.

Улуғ мутафаккир адабиётнинг, поэзиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, инсон ва унинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларига яқин туриши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари сурди ва ўзи шу ғояга изчил амал қилди. У анъанавий қоллиплардаги ишқий ғазаллар ёзиш билан чекланмасдан, кўплаб орифона ғазаллар яратди ва бу йўналишни фаол ривожлантирди. Шу жиҳатдан, ушбу йўналишдаги шеърят шоир яшаб юқолди қилган замон ҳақида, ўша даврнинг ақтуал ҳаётини масалалари борасида ўқувчида тўғри тасаввур пайдо қилади, уни ҳаёт ҳақидаги янги фикр ва билимлар билан бойитиши,

турмуш тўғрисида чуқур мулоҳаза юритишга ўргатади.

Алишер Навоий ўз даври кишисининг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, борлиқнинг моҳияти, одам ақлининг таниш қобилияти, дин ва ахлоқ каби бир қатор масалаларга муносабат билдиради. Юнон файласуфлари сингари мантӣқий тушунарлар доирасида эмас, балки образлар билан фикрлашга интилган шоир ижодида диний мутаассиблик тамоман йўқолади. У комил муслмон сифатида исломни ҳамма динлардан юқори қўяди. Ўз даври етакчи мафқураси бўлмиш нақибандия тариқатининг илгор вақили сифатида қараганда эса шоир наздида ҳамма Аллоҳқа элтувчи йўللار бир моҳиятнинг ифодасини сифатида англашди.

Кимки жаҳон мулкида

инсон эрур,

Балки нишонини анга

иймон эрур ...

Бас ани инсон демак

ўлғай раво,

Ким иши иймон билан

топғай наво.

Маърифатга эриштирувчи йўллarning барчаси меҳнат ва машаққатларга тўла, узок, яқин, сирли. Аммо улуғ шоир эътиқодига кўра, бу муборак йўлнинг яқинроғи — нақибандийлик тариқи, йўлидир.

Ҳазрат Навоийнинг олам, унинг моҳияти, инсон ва унинг тақдир



ҳақидаги ҳақимона қарашлари мистичизм (сирлилик) ва аскетизм (таркидунёчилик) ақидаларига тамомлаи зиддир. У “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Шайх Абул Вафои Хоразмий раҳматуллоҳи алайҳ ва ўғри ҳикоясини келтирар экан, маърифат йўли, яъни комил ҳақиқатни, ягона Аллоҳни тоғмоқ йўли мукамал маданият ахлоқдан, инсонсеварликдан, самимиятдан ва меҳру шафқатдан иборат эканлигини баён этади. Мутафаккир шоир инсоният учун энг муҳим бўлган масала — шахс эркинлиги масаласини бир неча йўналиш бўйича таърифлаб беради. Унга кўра, аввало, инсон ижтимоий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам эркин бўлиши керак. Эркинлик шахснинг ўз Ватанида қўлга киритлади, инсон ўз севимили масканидан чеккада ҳақиқий эркин бўла олмайдми. Иккинчидан, бегона мафқуравий таъйик ёки онгсиз равишда “омма-

вий маданият”га тобелик инсонни эркинликдан маҳрум этади.

Учинчидан, шахс комил эркин бўлиши учун ўзини руҳан поклаши, барча салбий хусусиятлардан нафратланиши, адолат, ҳақиқатга интилиши лозим.

Бу фикрларни Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”, “Саадди Искандарий” каби дostonларида ёки биргина ғазалида ҳам ифодалаб бериши мумкин. Бир ғазалида шоир ипак қафасда турган эрксиз қўш тим-солнини тасвирлайди. Бу тимсол ватангадолик, беватанлиқни англатади:

Қушқа юнг маскан аро
хушқордурур озодлиқ,
Бўлғонидин банд аро
сайёд ўпак домн билан.

Бировнинг қўли билан абадий ҳаёт сувининг ичирилиши эса ёт ғояларга қўл бўлиши англатади. Бундай ҳаёт сувини ичгандан кўра, инсон ўз қўли билан ажал шарбати — заҳарни ичгани яхшироқ:

Заҳрни ўз қўми бирла ичса
андин яхшиқимм,
Ичса ҳайвон шарбатин
нокомлиғ жомин билан.

Беназир шоир ўз нафсини енга олмаган тамағир инсондан инида ётган итни афзал қўради.

Алишер Навоий илмий-ижодий меросининг яна бир муҳим аҳамияти тушунда кўринадики, у насрий асарларида инсоният тарихида ёрқин из қолдирган Шарқ ва Фарбга мансуб улуғ сиймолар ҳақида сўз юритади. Паёғамбарлар ва олимлар ҳаёти тафсилотларини келтирар экан, ниҳоятда чуқур билимга эга эканлигини намойиш қилади.

Жумладан, Аҳам подшоҳлари тарихи юзасидан сўз юрита экан, бу соҳада мавжуд бўлган китобларнинг маълумотларини қиёсан ўрганади, таҳлил қилади. У тарихий ва бадий китоблардаги бу мавзуга оид ноаниқ маълум-

отлар билан чекланмайди, балки тарихий ҳақиқатни аниқлашга интилий, қўл холларда бунга эришади. Тарихий воқеаларни баён этишда у катта масъулият ва донишмандлик билан ёндашди. Масалан, Низомий Ганжавий Искандар салтанати даврини 60 йил, Хисрав Деҳлавий 500 йил деган бўлса, Алишер Навоий Искандар умрининг 36 йил, салтанатининг эса 13 йил бўлганлигини аниқ ёзиб қолдиради. Улуғ шоир шеърятда ва бошқа барча асарларида бўлгани каби тарихий илмий асарларида ҳам фақат умминсоний қадриятлар ҳақида сўзлайди, улардан баҳраманд бўлишга даъват этади.

Мутафаккир аждодимиз илмий асарлар яратиш ва бадий ижодиёт билангина инсон маънавий тафаккури талабларини қониқтириш мушкул эканлигини англади, у амалий фаолият билан ҳам ўз мақсадига интилди. Алишер Навоий меценат сифатида илм-фан, маданият ва санъат аҳлига раҳбарлик қилди. Унинг тақлифи ва ҳимойилиги билан ҳозирга қадар қимматли ва бебаҳо саналган Хусайн Воис Қошифийнинг “Тадриқи Хусайний”, Атоуллох Хусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ” каби машҳур асарлари яратилди, кўплаб адабиёт, санъат ва хаттотлик намуналари юзага келди.

Ана шу мингдан бир жиҳатлари билан бўлса ҳам, беназир шоир Алишер Навоий серқирра ижоди умумбашарий моҳият касб этиб, инсоният мулкига айланди. Уни чуқур ўрганиш, бу бебаҳо ҳазинага тинимсиз мурожаат этиш ёш авлод маънавиятини бойитади, замонасининг тўғри фикрловчи, онгли ва тоза виждонли кишилари сифатида шаклланишлари учун хизмат қилади.

Диплом САЎХҲОЙИ,
филология фанлари доктори,
профессор,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси.

«Эй сўз, не бало ажаб гухарсен...»

Бугунимиз — миллиятнинг фаоллиги уйғонган, бебаҳо маънавий бойлигимиз, улуғ аллома аждодларимиз хотираси қадрланган, таъбир жоиз бўлса, эҳтиром “саруполари”га бурканган замон.

Барчасини-ку санай олмасмиз, фақат ҳазрат Алишер Навоийга унинг муборак номи билан аталган шаҳарда кейинги йилларда кўрсатилаётган икромнинг ўзи алоҳида эътиборга молик. Бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар икки йилда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган халқаро конференциянинг ташкил этилиши улуғ бобокалонимиз сиймосига ифтихор қамолнинг амалий ифодасидир. Шоир ижодини ўрганишда ибратли анъаналар билан бирга бой адабий меросини тадқиқ қилишда янги-янги йўналишлар очилмоқда.

Жорий йил буюк мутафаккир таваллудининг 582 йиллиги муносабати билан анъанавий Навоийхонлик кечаларини Навоий давлат педагогика институти жамоаси бошлаб берди. Бу ерда “Эй сўз, не бало ажаб гухарсен...” мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилиб, шоир шеърятининг янги қирралари, ҳаётининг ибратомиз жиҳатлари хусусида сўз борди. Табиийки, бунда жорий йилнинг ижтимоий аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Инсон қадри, саховатпешалик, бағрикенглик, меҳр-мурувватлилик, ҳомийликда ҳазрат Навоий гоят беназир бўлган, — дейди институт ректори Баҳодир Собиров. — Тарихчи Хондамир асарларида Алишер Навоийнинг ўзи яшаб ижод этган даврда 52 та рабoт, 20 та ҳовуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом ва кўплаб

мадрасалар, катта-катта иншоотлар қурдириб, ҳомийлик қилганлиги қайд этилади. Шоир ва давлат арбобининг ушбу ҳиммати ва шахди барча замонлар учун ибратлидир.

Конференцияда институтнинг навоийшунос олимлари ҳамда талабалар томонидан “Навоий ғояларининг замонавийлиги”, “Малолки фатҳнинг соҳибқирони”, “Хамса”даги айрим ҳикоятлар тақлими”, “Навоийшунослик ва герменевтик таҳлими”, “Хайрат ул-аброр” структурасида издошлик ва ўзига ҳослик” мавзуларида маърузалар тингланди.

— Урта асрларга қадар Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида диний адабиётда араб, бадий ижодада форс тили ҳукмронлик қилган бўлса, ҳазрат Навоий ўз ижодий фаолияти билан бу анъана барҳам топишини бошлаб берган, — дейди навоийшунос олим Тоҳир Хўжаев. — Ҳазрат туркий (ўзбек) тил дағал, унда нозик хис-тўғуларни нафис тарзда ифодалаб бўлмайдми, деган фикрлар ҳукмрон бир шароитда она тилимизни ҳимоя қилиш учун майдонга чиқди. Бу тилимизнинг бойлигини, қудрату салобатини, унинг чексиз имкониятларга эга эканлигини ҳам манзум, ҳам мансур асарлари асосида ибоботлаб берди.

Анжуманда институтнинг мақомчилар ансамбли томонидан Алишер Навоий ғазаллари асосидаги мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЭНГ ТЎҒРИ ВА ЁРУҒ ЙЎЛ

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Дунёда иқтисодиёти энг қудратли бўлган АҚШ чораккам бир асрдан буён бу борада етакчилигини қўлдан бермай келяпти. Бундай юксак натижага мазкур мамлакат қайси олимлар сабаб эришган?

Бу масалани олимлар яхши ўрганган. Яъни АҚШда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан оз йиллик маррани кўлаб, ёшларга таълим беришни устувор вазифа деб белгиланган. Ушбу масаланинг қанчалик долзарблигини Хитой донишмандининг “Эртанги кунни ўйласанг — ғалла эк, ўн йилни ўйласанг — дарахт эк, юз йилни ўйласанг — ёшларга таълим бер” деган нақли мисолида янада равшанроқ тушуниш мумкин.

Нуктаи назар

АҚШда XIX аср ўрталарида таълимга муносабат бутунлай ўзгарди ва таълим давлат сиёсати даражасига чиқди. Унга давлат фаолиятининг муҳим соҳаси, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ва камбағалликдан қутулиш усули деб қарала бошланди. Америка таълим тизими тадрижий йўл билан эркин, барчага баробар, ижтимоий умумтаълим моделига айланди.

1852 йилда Массачусетс штатида Америка тарихида таълим ҳақида биринчи қонун ишлаб чиқилган. Кейинроқ бошқа штатларда ҳам шундай қонунлар қабул қилинган.

АҚШ университетлари дунёда энг нуфузли ҳисобланади. 2021 йилда QS рейтинг аниқлаган дунёнинг энг яхши 150 университети рўйхатида АҚШнинг 34 та олий таълим муассасаси қиртилган. Рўйхатнинг дастлабки 3 та ўринни ҳам АҚШ университетлари: Массачусетс технология институтини, Стенфорд университети ва Гарвард университети эгаллаган. Бундай юксак обрўси тўғрйли Америка дипломн дунёнинг исталган мамлакатда аёло истиқболлар очиб беради.

Таълимга ажратилган маблағларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотиданги салмоқи бўйича дунёда 6 давлат етакчилик қилади. Булар — Норвегия, Янги Зеландия, Чили, Буюк Британия, Исроил, АҚШ. Ушбу мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 6 фозидан ортироғи таълимга ажратилади.

Олий таълимнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни, мавқеини баҳолаш учун юқорида келтирилган рақамлар етарлидир. Олий таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим бўғини ҳисобланади, у мамлакат иқтисодий тараққиёт даражасининг кўзгуси ҳисобланади. Шунинг учун АҚШда олий таълимга мамлакат истиқболини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилли сифатида қаралади.

АҚШ олий ўқув юрталарига талабалар икки мезон: билими ва ўқиш ҳақини тўлаш қобилияти асосида қабул қилинади. Биринчи мезон бўйича билимли ёшлар давлат бюджетни ҳисобидан ўқитилади. Иккинчи мезон бўйича етарли билимга эга

бўлмаган ёшлар ўзлари пул тўлаб ўқийди.

Олий таълим масканларида профессор ва бошқа ходимларнинг меҳнатини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

биринчидан, ишлаш салоҳияти. Буни оммабоп тарзда шундай изоҳлаш мумкин: профессор-ўқитувчилар дарсларда қатнашганига қараб эмас, балки амалда бажарган ишига, унинг пировард натижасига қараб баҳоланади. Фейъл-атворига қараб одамларни турли мезонлар бўйича тоифаларга ажратиш мумкин, масалан, уларнинг сўзи ва ишига қараб. Баъзи одамларнинг ишидан сўзи қўл бўлади, башкалар эса камгап, бироқ сермахсул ижод қилиб, ишчи мукамал бажаради;

иккинчидан, ҳаётга татбиқ этиш кўрсаткичи. Ҳар бир олим, педагог маълум даражада ижодкор бўлади, янги тақлифлар, ғоялар, ихтироларни илгари сурлади. Агар улар ҳаётга татбиқ этилмаса, бундан фойда йўқ. Ҳар бир олим тадқиқотлари натижаларини сўзда эмас, амалда намоеън этиши лозим, яъни илм-фан ва ишлаб иккисини (назария ва амалиёт) ўртасида беvosита алоқа бўлиши шарт, агар кашфиётлар ҳаётга татбиқ этилмаса, улар қозғода қолиб кетади.

Шу ўринда Мавлоно Жалолиддин Румийнинг бир ҳикмати эсга тушади. Мутафаккир сўз ва амални икки тошга менгайди. “Уларни бир-бирига урсанг учун чиқади, уқун нур таратади. Битта тошн кўнма ҳар қанча урмагин уқун чимайди, ундан фойда йўқ”, дейди. Олим ихтиросидан нур ёғилиб, одамларга фойдаси тегиши керак. Ҳақиқатан, зиёли одам ўзини илм-маърифат нуруни таратади; учинчидан, ўзгаришлар қилиш қобилияти. Ҳар қандай шахс ҳараёни — амалиёт ходимларни тоблайдми, малакасини оширади, фикрлашини ўзгариради. Натижада ходим янги тақлифлар, ихтиролар билан чиқади. Бу тақлифларни амалиётга татбиқ этиш, ўз навбатида, меҳнат жараёнини ўзгариради. У эса технологияни ўзгариради. Натижада жонли меҳнат сарфи камайдми, аввалгига нисбатан бир неча марта юқори меҳнат унумдорлигига эришилади;

тўртинчидан, ишни яхши бажариши. Бу ерда гап сифат устида кетаяпти. Ходимга ҳар бир ишни, у каттами-кичими, ҳўжа-қўрсинга қилмай, астойдил бажариш лозим, натижада юқори сифатни таъминлаш керак, деган талаб қўйилади. Йель университети профессори Шерон Остер: “Мақсадга эришиш учун қандайдир эмас, балки белгиланган тарзда ҳаракатланиш мажбурий шарт”, дейди. Бу ишни пала-партиш, ўлда-жўлда бажаришга асло йўл қилиш мумкин эмаслигини англади; бешинчидан, адолатли бўлиши. Бу тамойилни изоҳлаш учун соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бир қондасини эслаш кифоя: энг йиллик ибодатдан бир кунлик адолат яхши. Адолатсизликка йўл қўйилса, жамоада носогол муҳит шаклланади, ходимларнинг қўли ишга бормай қолади;

олтинчидан, собитқадамлиги. Собитқадамлик, мақсад сари интилувчанлик ҳар қандай ишда, касбда муваффақият гаровидир. Альберт Эйнштейннинг муваффақият формуласида ҳам мақсад сари интилувчанлик ҳаётда муваффақият қозониш учун зарур бўлган 3 та шартнинг бири деб кўрсатилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, АҚШ олий мактабларида профессор-ўқитувчилар, илмий ходимларга қўйиладиган талаблар умуминсоний тушушча ва тамойилларга ҳамоҳангдир. Бундай тамойилларга амал қилган халқ, албатта, бундан ҳам катта муваффақиятларга эришади.

Жаҳон иқтисодиётида етакчилигини қўлдан бермай турган АҚШ билан рақобатлашаётган Европа Иттифоқи мамлакатлари ичида Германия таълим тизими ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Немислар тарихдан техникавий таълимнинг ривожланган тизимини яратиб, касбий, техникавий ва илмий таълимни бирлаштирган. Шунинг учун немис ишчилари яхши умумий ва техникавий тайёргарликка эга бўлиб, мураккаб станокларда ишлаб, сифатни қатъий назорат қила олган. Таълимнинг юқори даражаси немис оддий ишчисига ишлаб чиқариш жараёнида ўз ўрнини англаш, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослашши имконини берган. 2020 йилда Германияда 400 дан ортиқ университетлар бўлиб, фақат техника йўналишида 3000 муҳандисга диплом берилган.

Жон бошига тўғри келадиган университетлар сони бўйича Германия дунёда биринчи ўринда туради. Мамлакат олий таълим тизимига қуйидаги хусусиятлар хос: — гуманитар таълим юксак анъаналарни сақлаб қолган ҳолда интилиш, техник таълимни биринчи ўринга олиб чиқиш; — энг янги илмий-техника ютуқларига

мос янги ўқув дастурларини жорий этиш; — назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш;

— фанлараро йўналишларга ургу бериш; — академик эркинлик муҳитини яратиш. Немис олий ўқув юрталарининг кўпчилиги давлатники бўлиб, уларда таълим олиш bepул. Олийгоҳларда 2 миллиондан ортиқ талабалар ўқийди, уларнинг чорати хорижликлар. Ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялари сони бўйича Германия Европа мамлакатлари ичида биринчи ўринда туради. Мамлакатда самарали инсон белгиси — ҳар қандай харжлардан — молиявий, вақт, қувват сарфларидан кўпроқ натижа олишга интилиш, жумладан, олий таълимда ҳам.

Ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими унинг иқтисодий қудратини шакллантиришда ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Иқтисодий қудрат, ўз навбатида, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, жон бошига яратилган ялпи маҳсулот унинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

АҚШда олий таълимга бир йилда 170 — 180 млрд. доллар сарфланishi миллий даромаднинг салмоқли улуши олий таълимга ажратилишини кўрсатади. Демак, АҚШ келахатда янада юқориорқ тараққиёт даражасига чиқиш мақсади билан ашааяпти. Шундай бўлиши табиийдир, чунки глобал рақобат бугуннинг ҳар қандай илгор давлатини эртага кам ривожланган мамлакатлар қаторига суриб қўйиши мумкин. Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари буни яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги 30 йилларда дунё мамлакатлари ичида “Осиё аждарлари” ривожланиш суръатлари бўйича илгорлигини қўлдан бермааяпти. Бу мусобақа ташкалларини ҳар бир мамлакатда умумий ва олий таълимнинг жамият иқтисодий-ижтимоий турмушида тутган ўрни белгиллаб беради.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, қайси бир мамлакат таълим тизимини ривожлантиришга ўз вақтида етарли эътибор бермаса, тараққиётдан ортда қолиши мумкин. Глобал рақобат чуқурлашган сари халқаро бозорда ҳеч қайси мамлакат узок йиллар давомида илгорлигини сақлаб қололмайди. XIX асрнинг 90-йилларида иш кучи малакалорик ва саводлироқ бўлгани учун АҚШ Буюк Британиядан ўзиб кетган бўлса, орадан 100 йил ўтиб, Япония АҚШга нисбатан илдамроқ ривожлана бошлади, чунки Японияда иш кучи юқориорқ малакага эга эди.

АҚШда ривожланиш суръатлари сустлашининг иккинчи сабаби — бу муҳандислар, молиячилар, олимлар ихтисослигининг торлигида, чунки тор ихтисослик



янги товарлар яратиш жараёнини секинлаштиради. АҚШда янги буюмини юқори малакали мутахассислар яратади, аксарият тадқиқотлар тор ихтисослашган муҳандислардан иборат мустақил ишлайдиган элитар гуруҳлар томонидан олиб борилади. Японияда янги товарларни мутахассислар раҳбарлигида ишлайдиган, ижодий фикрлайдиган ишчилар, сифат тўғрақлари аъзолари яратади.

Япония ютуқларининг учинчи сабаби шундаки, АҚШда кўпчилик фирмалар мутахассисларни, раҳбарларни мартаба поғоналари бўйича эътиришда “вертикал модел”га риоя қилади. Бунда, масалан, молиячи фақат молия соҳасида ўсади. Японияда раҳбар компаниянинг барча соҳада ишлай оладиган мутахассис бўлиши керак деб ҳисобланади. Мартаба поғоналаридан кўтарилаётган одам бир лавозимда ўз йилдан ортиқ турмай, компанияга турли томонлардан қараш имкониятига эга бўлиш керак деган қоидага риоя қилинади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 31 йиллик даврида таълим тизимининг барча босқичида жуда кўп ислохотлар ўтказилди. Ўрта мактаб дарсликлари қайта-қайта чоп қилинди, олий мактабга илгор мамлакатлар тақриббалари, кредит-модул тизими татбиқ этилди, бироқ таълим сифатида ўзгаришлар кам сезилди. Ўрта ва олий мактаб битирувчиларининг назарий фанларни ўзлаштириш, касбий малака даражалари ниҳоятда пастлиги ҳеч кимга сир эмас. Таълимни ривожлантиришга Давлат бюджетидан ажратилаётган миллиардлаб маблағларнинг самараси мактангулик эмас. Бу муаммоларнинг туб илдизи миллий менталитетимизга бориб тақалади.

Менталитет — бу муайян ижтимоий ёки этник гуруҳга хос ақлий, ҳиссий хусусиятлар йиғиндисидир. Бозор ислохотлари мил-

Демак, Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврида дунё давлатлари тажрибасида ўзини оқлаган, қоят истиқболли, ёруғ йўлдан бормоқда. Таълим тизимини юксаклири орқали малакали мутахассисларни тарбиялаш бу йўлнинг бош мақсадини, асос-пойдеворини ташкил этади. Ўз касбининг устаси, моҳири бўлган, юксак маънавиятли, эзгу инсоний тамойилларни ҳаёт тузугига айлантирган етук кадрлар эса халқимизни азалий орзулари рўёбига элтиши, шубҳасиз.